

**НАВОЙНИНГ “НАСОЙИМУЛ МУҲАББАТ”ИГА
МАНБА БЎЛГАН АСАРЛАР**

Шарипов Назаржон

тадқиқотчи.

Аннотация. Аждодлар томонидан қолдирилган бой илмий меросни таҳлил қилиш ва жамиятга етказиши тадқиқотчилар учун долзарб вазифа ҳисобланади. Шу жумладан, Навоий ижодини ўрганиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг "Насойимул муҳаббат" асари "Нафаҳотул унс" ва бошқа кўплаб масаввуфий, адабий, тарихий манбалар асосида яратилган. Асарда Фариуддин Атторнинг "Тазкиратул авлиё" асари таъсири кўзга ташланади. "Насойимул муҳаббат"да 130 га яқин китоб номи зикр этилган бўлиб, улар орасида Абдураҳмон Суламийнинг "Табақотус суфия", Абулқосим Қушайрийнинг "Рисолат фит масаввуф" ва бошқалар мұхим манбалар ҳисобланади. Асарда суфий шайхларнинг ҳаёти, таълимотлари ва ирфоний қарашлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Уибу манбаларни ўрганиши, Навоий кутубхонаси ва у илҳомланган китоблар ҳақидаги масавурларимизни бойитишга ёрдам беради.

Калим сўзлар: Алишер Навоий, Насойимул муҳаббат, масаввуф, Фариуддин Аттор, суфий шайхлари, илмий мерос, Нафаҳотул унс, табақотус суфия, тарихий манбалар, ирфоний асар.

Аждодлар томонидан қолдирилган бой илмий меросни таҳлил қилиш ва жамиятга етказиш доимо тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келган. Шу жумладан Навоий ижодини ўрганиш ҳам бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Навоий устози Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс” асариндан илҳомланиб ўзининг туркий тилдаги “Насойимул муҳаббат”

тазкирасини ёзади. “Насойимул муҳаббат”ни яратишида Навоий тасаввуфий, диний, адабий, тарихий ва оғзаки манбалардан фойдаланган. “Насойимул муҳаббат”да жами 130 га яқин китоб номи зикр этилган. Аммо баъзи манбалар муҳимлиги жиҳатидан бошқалардан ажralиб туради ва муаллиф уларга асар давомида кўп марталаб мурожаат килади. Шундай асарлар жумласидан Абу Абдураҳмон Суламий (ваф. 412/1021)нинг “Табақотус суфия”, Абулқосим Қушайрий (ваф. 465/1072)нинг “Рисолат фит тасаввуф”, Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089)нинг “Манозилус соирин”, Ҳужвирий (ваф. 465/1074)нинг “Кашфул маҳжуб”, Муҳаммад бин Мунаввар (ваф. тахм. 1203)нинг “Асрорут тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Сано”, “Мақомоти Шайх Фариуддин Шакарганж”, Исҳоқ бин Али Деҳлавийнинг “Асрорул авлиё” каби асарларини санаш мумкин. Улардан “Табақотус суфия” ва “Рисолай Қушайрий” араб тилида бўлиб, Навоий улар билан мустақил эмас, балки Жомий воситасида (“Нафаҳотул унс”) танишган. Бинобарин, мазкур асарлар “Насойим”да билвосита (“Нафаҳот” воситасида) зикр этилади. Шу сабабли ҳам “Насойим”даги “Табақот” ва “Рисолай Қушайрий”га таяниб айтилган фикрлар “Нафаҳотул унс” билан айнан бир хилдир.

Юқорида айтилганидек Навоийнинг тасаввуф шайхлари ҳақида маълумот берувчи “Насойимул муҳаббат” асари бир неча манбалар асосида яратилган бўлиб, улардан бири Фариуддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” асаридир. Фариуддин Атторнинг ўзбек адабиётига таъсирини, хусусан, унинг Алишер Навоий ижодига “Мантиқут тайр” маснавийси ва “Тазкиратул авлиё” асари таъсири мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шарқнинг улуғ мутафаккири Шайх Фариуддин Аттор Нишопурӣ фақат форсий халқлар учунгина эмас, балки туркий халқлар учун ҳам буюк сўз санъаткори, файласуф ва донишманд сифатида қадрлидир. “Тазкиратул авлиё”да зикрлари келган аксар валий зотларни “Насойимул муҳаббат”да ҳам учратиш мумкин. Аммо тасаввуф пирлари сифатида машҳур бўлган зотлар Жаъфар Содик, Ҳасан Басрий, Суфён Саврий, Довуд Тоий каби ва Муҳаммад ибн Саммок, Аҳмад Ҳавориј, Юсуф ибн Ҳусайн, Абу Ҳафс Ҳаддод, Абдуллоҳ Ҳусайн

Хийбақ, Абу Ҳасан Нурий, Юсуф Асбот, Абул Ҳасан Пушнакий, Абу Али Журжонийлар негадир “Насойимул муҳаббат”га киритилмаган.

“Насойимул муҳаббат”да Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг Навоий даврида жуда машҳур китоблардан бўлган ва Ҳирот хаттотлари томонидан кўплаб нусхаларда кўчирилган “Манозилус соирин” асарига кўп марталаб мурожаат қилинади. Асар асли араб тилида яратилган бўлиб, шайхнинг тасаввуфнинг турли масалалари ҳақида билдирган фикрлари баёнидан иборат. Навоий “Насойимул муҳаббат” муқаддимасида: “Нафаҳот” дастури била бу китобда “Шайхул ислом” ҳар ердаки мазкур бўлур, андин мақсад Ҳазрати Хожа Абдуллоҳ Ансорийдур”, дея маҳсус изоҳ бериб ўтади. “Манозилус соирин” гарчанд тазкира бўлмаса-да, унда кўпгина суфий шайхларнинг таълимоти, ахлоқий-тасаввуфий қарашларига муносабат билдириш асосида уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам фикрлар билдирилади. Балки шу сабабли бўлса керак “Манозилус соирин” “Тазкиратул авлиё” ва “Нафаҳотул унс”лар билан бир жидда муқоваланиб китобат қилинган ҳолатлар кузатилади.

Яна эътиборга молик манбалардан бири сифатида машҳур шайх Абу Сайд Абулхайр (967- 1049)нинг ҳаёти ва таълимоти баёнига бағишлиланган 1180-1203 йиллар оралиғида яратилган деб тахмин қилинадиган Муҳаммад бин Мунавварнинг “Асрорут тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Сайд” асарини ҳам айтиш мумкин. “Насойимул муҳаббат”даги Абул Аббос Қассоб, Шайх Аҳмад, Абу Али Шабуий, Абулқосим Бишр Ёсин, Луқмон Сарахсий, Маъшук Тусий, Абу Абдуллоҳ Боку, Бибак Сорий каби шайхлар зикри “Асрорут тавҳид” асосида берилган бўлиб, ушбу китоб “Насойимул муҳаббат”да “Мақомоти Шайх Абу Сайд Абулхайр” дея аталади.

Навоий тазкирасида ҳинд машойихлари зикрини Шайх Фаридуддин Шакарганж (569/1173-664/1266)дан бошлар экан: “Асҳобидин бири Шайхнинг ҳолат ва макомотин битибдур. Ва ул бир улуғ мужалладдур ва анда ғарид аҳвол мазкур”, дейди, аммо асар номи ва муаллифини кўрсатмайди. Бизгача “Мақомоти Шайх Фаридуддин Шакарганж” номли асар етиб келган бўлиб, уни айнан Навоий тилга олган манба деб айтишимиз мумкин. Ушбу

асарнинг асл номи ва муаллифи маълум эмас, бу ном эса китобнинг муқовасига номаълум шахс томонидан ёзиб колдирилган ёзув асосида олинган. Шайх Фаридуддин Шакарганджинг хаёти ва ибратли сўзлари асардан ўрин олган бўлиб, унинг номаълум муриди томонидан кундалик тарзида ёзиб борилган ва афсуски, фақат 655/1257 йилнигина (15 ражаб/30 июлдан бошлаб) қамраб олади. Навоий китобни “бир улуғ мужалдадур” дея сифатлашига кўра, унинг кўл остида асарнинг тўлиқ нусхаси бўлган, дейишимиз мумкин. “Ислом энциклопедияси”да эса, Фаридуддин Шакарганджининг ибратли сўзлари, мақом ва ҳолоти муриди Бадриддин Исҳоқ бин Али Дехлавий тарафидан “Асрорул авлиё” номи остида тўпланганлиги айтилган.

Хулоса киладиган бўлсак, “Насойимул муҳаббат”ни яратишда муаллиф фойдаланган манбаларни ўрганиш Навоий кутубхонаси, у мутолаа қилган, таъсирланган китоблар хақидаги тасаввурларимизни тўлдиради. Шоирнинг ижод жараёнида илҳомланган манбалар масаласига ойдинлик киритади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Фаридуддин Аттор. Тазкиратул авлиё. Нашрга тайёрловчи Мадраимов А. – Т.: “Faafur Fulom”. 2012.
2. Навоий А. “Насойимул муҳаббат” . МАТ 20 томлик, 17 - том. – Т.: Фан. 1999.
3. Рамазонов Н. “Насойим ул-муҳаббат” ва унинг манбалари // Ўзбек тили ва дабиёти. – Т.: Фан. 2001.1- сон.
4. Раҳимов К. “Шарҳ ат-Таъарруф ва Насойим ул-муҳаббат”. Алишер Навоий ва XXI аср мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т.: “TURON-IQBOL”. 2018.